



# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАЪАТИ

OZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

11 июл, № 28 (3503)

## ҚЎШИҚ — МИЛЛАТ ҚАЛБИ



Қушиқ — миллатнинг қалби, деб бежиз айтилмаган. Чунки чинакам санъат даражасига кутарила олган қушиқда халқ қалбининг бебаҳо гаварлари ўз ифодасини топади. Минг йиллик тарих, минг йиллик оруз ва кураш салномаси гоҳо битта куй, битта қушиққа жо бўлади. Шу боис ҳам халқ, миллат қалби туридан отилиб чиққан наволар асрлардан асрларга, даврлардан даврларга, қитъалардан қитъаларга ута олади ва, утгани сари, янада сайқал топади.

Куй-қушиқ элларни элларга, дилларни дилларга яқинлаштиради. Инсон руҳиятига таъсир утказишда мусиқа нола-рига тенг келадиган восита ҳали уйлаб топилган эмас. Сиз испан тилини билмайсиз, аммо испанларнинг ҳазин, юракни уртовчи куйларини тингланг, — халқнинг, шу миллатнинг қалби кўз унгиғизда намоён бўлади. Сиз гуржи тилини билмайсиз, аммо гуржиларнинг вужудни эркаловчи саркаш қушиқларини тинглаб бу тоғли халқ кунглини аниқ ҳис этасиз...

Қушиқ асрлар синовидан бехатар ута оладиган энгилмас куч сифатида тингловчини ҳидоят йулларига бошлайди, оғир дамларда наҳот сўқмоқларини курсатади. Қушиқ курашга, яшашга ургатади. Инсон ҳаётининг жамики сир-синоатлари — қушиқ маънолари тубига аширинган, десак муболага бўлмас...

Мана, икки йилдирки, мамлакатимизда юртбошимиз ташаббуси билан қушиқлар танлови оммавий равишда утказилмоқда. Бунда асосий мақсад қушиқ ижрочилари ёхуд қушиқлар сонини кўпайтириш эмас, қушиқнинг бизнинг бугунги ҳаётимизга ҳамроҳ бўлишини, у чин маънода давваткор кучга, маънавий чашмасига айланишини таъминлашдан иборатдир. Янада аниқроғи, бизнинг янги, истиқлол даври қушиқлари-мизда халқимизнинг покиза мақсадлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари ўз аксини топсин. Қушиқимизни, куйларимизни тинглаган кишилар, тилимизни билмасалар-да, Ўзбекистонда — бу қадим тупроқда кечаятган бугунги узғаришлар моҳиятини аниқ-равшан тушуниб етсинлар. Янги қўшничилик, манфаатли ҳамкорлик учун эшикларимиз ҳамisha очик эканлигини, тинчлик, барқарорлик, озод ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тенг ва фаровонлиги биз учун гоат муҳим эканлигини дилдан ҳис етсинлар.

Айни кунларда «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси томонидан ташкил этилган халқимизнинг ардоқли санъаткорлари Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов ва Ҳожи Абдулазиз Абдурашодовларнинг ижро йулларига бағишланган қушиқ танловлари биринчи гада халқимиз орасидан янги-янги истеъдодли овоз соҳиблари етишиб чиқаватганини исботласа, иккинчидан бизда маданий меъросимизга, маънавий — ахлоқий қадриятларга катта эътибор берилётганини курсатиб турибди.

Мустақиллик байрами арафасида Самарқанд шаҳрида утказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиши табиий. Фестивал Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қушиқчилик санъатининг нобв намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини авайлаб асраш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига буюк аждодларимиз маданий меросига муҳаббат туйғуларини камол топтиришга, эзгу инсоний қадриятларини тараннум этишга ва шу аснода халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда даражасига кутаришга хизмат қилади.

Айни кунларда фестивал тайёргарлиги қизгин паллага кирган. Қадим Самарқанддаги регистон майдонида жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатларидан келадиган ижрочиларнинг энг сара куй-қушиқларини тинглаш кўзда тутилмоқда. Шаҳарнинг бош майдонлари, тарихий обидалари, кўча ва хивонлар, меҳмонхоналар, маданий-маиший хизмат шохобчалари жиддий таъмирланаётди. Унлаб қурилиш ташкилотлари томошабинлар учун махсус амфитеатр қурилишини яқунламоқдалар. Фестивал тантаналарини сахналаштирувчи ижодий гуруҳ раҳбарлари, танкили режиссёр Баҳодир Йулдошев раҳбарлигида саҳна безаклари, «Буюк ипак йули» театрлаштирилган махсус томоша тайёрланмоқда. Ўзбекистон Бадиий академиясида фестивал доирасида утказилган «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзусидаги халқаро илмий конференцияга жиддий тайёргарлик бораётди.

Мусиқа байрамлари, одатда, жуда кўп мамлакатларда утказилади. Аммо «Шарқ тароналари» фестивалининг узига хос хусусияти шундаки, бу байрам энг аввало Шарқ халқлари миллий санъати дурдоналарига бағишланган бўлса, иккинчидан у ЮНЕСКОнинг халқаро миқёсдаги маданий-маърифий тадбирлари режасига киритилган. Фестивал ҳаётига япониялик танкили мусиқашунос олим, Токио университети профессори, Шарқ мамлакатлари, хусусан туркий халқлар мусиқий маданияти билимдони Харума Кашима хоним раислик қилади. Ҳайъат аъзолари таркибда ҳамюртларимиз билан бир қаторда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Туркия, Франция, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг машҳур мусиқашунос олимлари бор. Фестивал голибларига махсус мукофотлар топширилади. Бош соврин эгаси 10 миң АҚШ доллари миқдоридан пул мукофоти олади. Бундан ташқари ҳар бири 5 миң АҚШ доллари миқдоридан иккита биринчи, ҳар бири 3500 АҚШ доллари миқдоридан иккита иккинчи ва ҳар бири 2 миң АҚШ доллари миқдоридан учта учинчи мукофот таъсис этган.

Яна қўшимча, фестивал муассислари, вазирликлар, ижодий уюшмалар, жамғармалар ва бошқа қўллаб ташкилотлар томонидан ҳам голиблар учун махсус совринлар таъсис этилган.

«Шарқ тароналари» фестивали Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги тантаналарига тўғри келади. Табиийки, уш қушиқлар юртимизга дунёнинг қўллаб мамлакатларидан эътиборли ва нуфузли меҳмонлар ҳам қолишади. Бизнинг бу бурчимиз халқаро мусиқа байрами мисолида юртимизни дунёга яна бир бор курсатиш, Ўзбекистон танланган истиқлол йўлининг бош моҳияти — бу инсон манфаатлари, унинг бахт-саодати, турмушининг фаровонлиги эканлигини амалий натижаларда ифода этишдир. Шундай экан, фестивал тарадуду ва унинг муваффақиятли утиши — ҳаммаимизнинг виждон ишимиздир. Ҳар бир ташкилот, ҳар бир корхона, ижодий жамоа бу хайрли тадбирдан четда қолмаслиги керак.

Кунни кеча Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган республика қушиқ байрамининг Маданият ишлари вазирлиги тизими буйича якуний босқичи утказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 500дан ортқ ижодкорлар қатнашди. Ватанин мадҳ этувчи 42та қушиқ янгради.

Халқ артисти Еқуб Аҳмедов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъатида К. Назармухамедов, Т. Бадинов, Ф. Олимов, Ф. Абдураҳимова ва бошқа мутахассис ҳамда санъаткорлар бор эдилар.

## ТАНЛОВ ЯҚУНЛАНИ

Танлов якуни буйича биринчи урин «Нурли жаҳоним — Ўзбекистоним» (Ж.Жабборов шеъри, Э.Қайтаров мусиқаси) қушиғи учун Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани маданият уйи бадиий раҳбари Эркин Қайтаровга берилди.

Сурхондарё вилояти «Бойсун» фольклор-этнографик халқ ансамбли «Ватан зикри» (Х. Хурсанов шеъри, Х. Умаров мусиқаси), Қашқадарё вилоятидан Раҳима Сатторова «Яшнавер абад» (Х. Ами-

нов шеъри, Х. Амиркулов куйи), Қорақалпоғистонда хизмат курсатган артист Кенисбой Сержонов «Яшна, она Ватаним» (З. Низомиддинов шеъри, Қ. Зарриддинов куйи) қушиқлари учун иккинчи уринга сазовор бўлдилар.

Учинчи уринга эса Жиззах вилоятидан Қаҳрамон Бобоқулов «Топмадим», (Ж. Камол шеъри, Б. Лутфуллаев куйи), «Азиз бўлсин Ўзбекистон», (М. Мирзо шеъри, Д. Омонуллаев

ва куйи), Наманган вилоятидан Ривожиддин Шамсиддинов («Жон Ўзбекистон»), Л. Маҳмудов шеъри, М. Иномов куйи) ва ховослик Дилшод Каттабеков муносиб деб топилдилар.

Совриндорлар орасида эса Навоий вилоятидан Содиқ Саидов ва Айитбой Тортаев, Тошкент вилоятидан мактаб ўқитувчиси Шахло Рузиевалар бор.

Шунингдек, танлов иштирокчилари Маданият ишлари вазирлигининг Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Ҳикматуллох ҚОДИРОВ

## «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ...» ЯПОНИЯДА

Ҳа, Истиқлол шарофати билан адабий ҳафталигимизни чет элларда ҳам тобора кенгроқ танимоқдалар. Кунни кеча Япониядан бир хушхабар олдик: Киото университетидан чиқадиган журнал — «Гарбий ва Жанубий Осиёни ўрганиш кенгашининг бюллетени»да (1996 йил, 45-сон, 62 - 73-саҳифалар) «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» га зетасининг 1996 йил 15 марта сонидан эълон қилинган филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғафуров ва тарих фанлари доктори, профессор Асомиддин Уринбоевнинг «Япон олимийнинг илмий жасорати: «Бобурнома» танқидий матнининг япон наشري» номли каттагина ҳажмли мақола япон тилида босилиб чиқибди! Бу мақолада Киото шаҳридаги унверситет профессори, йирик

қикотининг катта илмий қимматини таъкидлаб, япон шарқшуноси меҳнатига юксак баҳо бергандилар. 1996 йилнинг октябрда Тошкентда утказилган «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро анжуманга таклиф этилган япон олими Бобурга бағишланган ўз тадқиқотлари юзасидан илмий маъруза қилар экан, анжуманнинг юксак минбаридан туриб, ҳафталигимизда босилган мазкур мақола хусусида илиқ сўзларни айтиб, ўз миннатдорлигини билдирган, Бобур мероси буйича илмий изланишларини давом эттираётганини таъкидлаган эди.

Ўрни келганда шунинг ҳам айтиш лозимки, профессор Эйжи Мано «Бобурнома»га бағишланган илмий изланишларининг иккинчи жилдини ҳам нашр эттир-

ни ва унинг аслиятда (яъни, ўзбек тилида, арабча алифбода) нашр қилинган ҳақида сўз борган эди. Япон олими Бобур ва унинг асари тўғрисидаги тадқиқотини ҳам япон ва инглиз тилларида ана шу нашрга илова этган эди. Ўзбек шарқшунос олимлари «Бобурнома» танқидий матни ва Эйжи Мано тад-

қувоҳи бўлиб турибмиз, деди. — Қисқа фурсат ичида олиб борган ишларимни Ўзбекистон халқи, хусусан Президент И. А. Каримов бундай юқори баҳолашини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Бундай олий мукофотни олар эканман, аввалом бор, мустақил юртингиз халқи билан Германия халқи ўртасида ҳам сиёсий, ҳам маданий алоқаларни ривожлантиришга бор кучимни сафарбар этаман. Ўзбек халқи — улуг халқ. Бу улуг халқнинг бой тарихий, маданий мероси бутун инсоният бойлиги ҳисобланади — деди жаноб В. Шрайбер.

Йигилганлар В. Шрайберни кутлар экан, унинг ишларига муваффақият тиладилар.

Ш. ИБРОХИМОВ

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳмиат қурилиш академиясида Республикаимизда бир неча йилдан буён фаолият курсатиб келаятган Конрад Аденауэр Жамғармасининг худудий мухтор вакили Вольфганг Шрайберга Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» орденини топширилди. Юксак орденини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари А. А. Азиз-хужаев топширар экан, К. Аденауэр жамғармаси Ўзбекистон ва Германия ўртасида дўстлик ришталарини боғлашда муносиб ўринни эгаллаб келаятганлиги ҳамда унинг диёримиздаги мухтор вакили жаноб В. Шрайбернинг олиб бораётган ишлари Республикаимиз Президентини томонидан муносиб баҳоланганлигининг

муносиб баҳоланганлигининг

муносиб баҳоланганлигининг

## Журналларнинг янги сонларида ОҚ ЙЎЛ, «ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

Халқимиз маданий ҳаётда яна бир қувончли воқеа юз курсатди — она-Ватанимиз мустақиллигининг олти йиллик туйи арафасида «Жаҳон адабиёти» адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журналининг илк сони муштарийлар қўлига бориб етди.

Мустақиллик шарофати ила

жаҳонга бевоқифа узлигини намоён этаётган жонаҳон Ўзбекистонимизнинг зукко афкор оммаси эндиликда мустақиллик тафаккури меваларини дунё халқлари билан бирга баҳам қуришдек саодатга эришдилар. Зеро, мана, олтинчи йилдирки, ёш мамлакатимизнинг ҳам иқтисодий,



ҳам маънавий соҳада ташлаётган ҳар бир одими узгача бир маъно, узгача бир салмоқ касб этмоқда. Буюк утмиш билан фахрлиниш яхши, албатта, лекин бу фахр туйғуси замирида буюк келажак масъулияти етишини элнинг каттаю кичиги чукур анламоғи даркор. Қани энди келажак ширин орузлардан буно бўлиб кўя қолса. Йўқ, бунинг учун меҳнат қилмоқ, фидойи бўлмоқ керак. Шу уринда журналининг илк саҳифасидаги илк сатрларини эслатиб утиш жоиз: «Маънавиятнинг мустақамлашга меҳнат ва

маблагни аямоқ — узини келажакдан маҳрум қилиш демакдир».

Президентимиз Ислам Каримовнинг ушбу сўзлари ҳар бир ўзбек зиниласи учун гўв бир оғоҳлантиришдек жаранглади. Қолаверса, бу сўзлар нурли келажакни шу илк сондан бошланган журнал учун оқ фотиҳа ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қароридан «Жаҳон адабиёти» журналининг барча вазифалари мухтасар баён этиб берилганки, бу на-

Давоми иккинчи бетда

## ЎЗБЕКЧАНИ БИЛМАЙДИГАН ТАБЛО

Тилимизга Давлат мақоми берилганига етти йилдан ошди. Тарих олдида сонияларча қиймат касб этолмайдиган ана шу қисқа даврда қўллаб савобли ишлар қилинди, тилимиз ўз қаддини тиклади. Бугун она тилимиз ва у орқали ўзлимиз, ўзбеклигимиз қайтгани учун минг шукроналар айтасан киши. Бирок, олам фақат оқ рангдан иборат бўлмаганидек, баъзи-баъзида кунглини хижил қиладиган воқеалар ҳам учраб қолади.

Ҳафа бўлиб қайтдим. Севимли жамоамизнинг мағлубияти етмагандек, уйингоҳдаги тилга бўлган бепарволик, ҳурматсизлик одамни уйга толдирди. Наҳотки, ўз она тилимизга ҳам шунчалик лоқайдлик билан қарасак? Наҳотки, утган йил таъмирдан чиққан таблода «Пахтакор» сўзидан узга «биронта» сўзини ўзбекча ёзиш имкони бўлмаса? Қирқ ёшли «Пахтакор»нинг таблоси «са-

водхон»лигини қуриб на йиғлашни биласан, на қулишни.


Алам билан уйга қайта туриб, уйлаб қолдим: кейинги вақтларда биз фақат қадим аждодларимиз эришган ютуқлар, ҳеч бўлмаганда кечagina қулга қиритган галабаларимиз билан мақтанашга одатлашиб қолмапмизми? Тугри, буюк боболаримиз қилган ишлар мактовига лойиқ, кечаги галабалар бугун ни-

шонланиши керак. Бирок, ҳадеб «ундай булган, бундай булган» деб «чайнаш» кимга керак? Бундан эртадай ҳол юз беряптими, демак, ҳали «оёқни тинч узатиш»га ҳаққимиз йўқ.

Зеро, лоқайдлик касали бутун халқни, миллатни йўқ этади. Миллат эса ана шу мезон билан улчасак, ҳали тил борасида қилинган ишлардан қилинмаганлари, ўз ечимларини қутиб ётганлари кўпроқ.

Ҳукумат томонидан энг кўп эътибор берилётган футбол соҳасидаги бундай ҳол юз беряптими, демак, ҳали «оёқни тинч узатиш»га ҳаққимиз йўқ. Зеро, лоқайдлик касали бутун халқни, миллатни йўқ этади. Миллат эса ана шу мезон билан улчасак, ҳали тил борасида қилинган ишлардан қилинмаганлари, ўз ечимларини қутиб ётганлари кўпроқ.

Камол ОЛЛОЁРОВ




## ҚОРА ҚОШЛАР ГҮЛҮЗГИНАМ, КЕЛ ЭНДИ...

Маҳмуд САЪДИЙ

Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги олдидан

## ЧЎЛПОН ШАЖАРАСИ



## Янги томоша «ҲАЁТ ЭШИК ОРТИДА»

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри ижодий жамоаси муҳлисларга мавсум якунланиши арафасида яна бири янги асарини шу театрнинг актёри, истеъдодли санъаткор Ёдгор Саъдиев саҳнага қўйди. Саҳна безакларини рассом Бахтиёр Тураев ишлаган. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етакчи ва ёш актёрларидан Рихсвий Авазов, Дилбар Икромов, Қаҳрамон Абдураҳимов, Гулчехра Иброҳимбекова, Абдураим Абдуваҳобов, Рустам Каримов, Раъно Ярашева, Раваҳан Жўраев ижро этдилар.

Олим НОРБЕКОВ

Одам яшаган сайн то шу пайтгача билганини билиб, ҳис этмаганини туйиб бораверар экан. Босиб ўтилган йул ва ундаги манзиллар ҳақида ўйга толасан, киши. Умр мазмуни ҳақида мушоҳада қилсан, хулосалар чиқарсан. Умр мазмуни яшаган йиллар сонин билан эмас, балки эсда қолган кунлар билангина ўлчанар, сарҳисоб қилинар экан. Эсда қолган кунлар эса ёдда қолган одам билан боғлиқ экан.

Мен ўзимнинг ҳаёт ва ижод йўлида тақдир тақозоси билан анча-мунча одамларга дуч келдим, учрашдим, гурунглашдим, улфатчилик қилдим, тортишдим, бахслашдим, мунозараларда енгдим ҳам, енгилдим ҳам.

Бир гапдан қолишга мажбур бўлган пайтларим ҳам бўлди. Ҳаётда кўп одамларга дуч келибману, улардан эсимда қолганлари анча кам. Одамда ўзи шунақа бўлса керак. Узимдан қибс. Уз ҳаёт йўлларимда мен билан учрашган одамларнинг ҳаммасиниям ёдида қолганимга ишончим қомил.

Ота-она, жигарлар, яқин қариндошлар ёди киши қалбида абадий қолади. Бунинг боиси қон ва сут қардошлигидир. Маънавий яқин кишилараро ҳам худди шундай бўлар экан.

Кишининг бахти ёки бахтсизлиги унинг ўз ҳаёт йўлида қачон ва қандай одамларга дуч келишига албатта боғлиқ. Яқин одамлар билан учрашув сизни зиёлантиради.

Абдуқоҳқор ИБРОҲИМОВ

# ЭСДА ҚОЛГАН КУНЛАР

## ТОМЧИДА ҚУЁШ

Ҳар бир халқнинг умумий маънавий қиёфаси унинг асл фарзандларининг сиймолари қиёфаларидан ташкил топади. Атоқли санъаткор Олим Хужаевнинг қиёфаси халқимиз маънавий қиёфаси китобида қўшилган бир нури саҳифа бўлди, уни бойитди, бу саҳифасиз халқимизнинг маънавият китоби тўлиқ бўлиши мумкин эмас, десак арзийди.

Олим ака ҳақида менда ҳам бир томошабин ва кичик замондош сифатида унутилмас ва ёрқин хотиралар қолган. Атоқли актёр, режиссёр ва меҳрибон ҳамма арбоби бўлиши Олим Хужаев театр санъатининг равнақида қўшган катта ҳиссаси билан халқимиз тарихдан мангу инролган, десак муболағга бўлмайди. У саҳнада юзлаб роллар ижро этган бўлса-да, шулардан фақат ултаси ҳақида қисқача тухталиб ўтмакчи, буларда «Томчида қуёш акс этади», деганлари-дек, Олим аканинг ижодкорлик қуввати узи ифодасини топган.

Унинг санъаткорлик маҳорати дастлаб Ҳамлет образини саҳнада яратишида узини курсатган. Олим Хужаев талқинида Ҳамлет адолат, ҳақонийат, самийий инсоний муносабатларни тиклашга бел боғлаган олижаноб шахс сифатида гавдаланганини саҳнада қурганимиз. Олим ака бу ролни салкам 30 йил узлуksиз ижро этган, бу образ фақат унинг ижодий фаолиятидагина эмас, бутун ўзбек театр маданияти тарихида ҳам олтин саҳифалардан бири бўлиб қолди.

Олим Хужаев Алишер Навоий ролини муттасил 25 йил ижро этиб келди. Маъруза образини то унчага ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч бир актёр унинг даражасида қиёмга етказиб яратмади. Олим ака ҳақида гапни айтган бўлсам керак. Спектаклда ҳаётга чинакам ижодкор кул бўлган қараган, халқнинг порлоқ келажигида ишончини шеър дostonларида эхтирос билан қўйган, давлат ичидаги ижтимоий эҳтишди-лар, халқ ва сарой уртасидаги қарам-қаршиликларни зуравонлик, қон тўкиш йўли билан эмас, ақл-ҳудуд қучи билан ҳал қилган, адолатли шохни ўз идеали деб билган улғу шoir ва мутафаккир давлат арбоби қиёфаси гавдаланади.

Олим ака саҳнага Навоий қиёфасида чиқиб келганида худди Алишер бобомиз тирлигиб келганидек қувончдан энтигиб гундурос қарсақлар оқлишлар иярарди, спектакл финалида у «Халқимга, ижодимга!» дея (сарой) саҳнани тарк этаётганида залда сониклик чумарди, томошабин санъаткор ижросига чилпа-чин ишонарди, бу — Олим аканинг маҳоратидан эди.

Олим Хужаев саҳнада яратган томошабин ёдида умрбод қолган образлардан яна бири Кирил Лирдир. Актёр Лир образи орқали агар ҳаётда бойлик ва молу мулк яқна ҳумронлик қилса, мансабдор кишини роҳат қиришини, ҳамма ҳуқуқларга, иззат-иқромларга эга бўлишини, бирор мансабга эга бўлмаган киши ҳуқуқига, таърирларга маҳкум этилишини, олижаноблик ўрнини зулм, ҳақорат ағаллашини ифодаляпти. Мазкур гул бутунги бозор иқтисодиятига ўплатган давр учун ҳам, бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди, зотан бойлик ва молу мулк инсонга хизмат қилиши, унинг тасарруфиди бўлиши шарт ва, аксинча, инсон олтиннинг домига тушиб, қулга айланиб қолса, инсонлик қиёфасини йўқотиб қўяди, ҳатто ўз отасини ҳам тан олмайдиган оқдодар бўлиб қолади, деган фикр илгари сурилади. Бу ута зарур гап, барча учун ва ҳамма даврлар учун бир оғохлантиришдир.

Олим Хужаев мутафаккир санъаткор бўлиши билан бирга обрoули жамoат арбоби ва меҳрибон инсон ҳам эдики, бу фазилатларини айтмасак, унинг маънавий қиёфасини тукис-тугал ифодаламаган, эфирoф этмаган бўламиз. Олим аканинг мурувватидан қамини ҳам баҳраманд бўлганлардан биридир. Бир неча пиесаларим, жулудан, «Биринчи буса» лирик драмаси ва «Арра» сатирик комедиясининг саҳна юзичи қўришига Олим Хужаев Ўзбекистон Театр жамиятининг раиси сифатида ўз ҳиссаларини қўшган эдилар. Шунингдек, у киши 1975-1977 йиллар

да Москвада Олий Адабиёт курсида таҳсил олишимга кўмак бергандилар...

## ТИП СОҒИНЧИ

18 октябр куни Москвадаги «Центральная» меҳмонхонасидан уқишга чиқиб кетаётган эдим, меҳмонхона маъмури менга бундай деб қолди:

— Эртага келганингизга ўн кун тулади. Биздаги тартиб-қонда кура ҳар бир кўноқ, ким бўлишидан қатъий назар, бир ўзбекини суҳбатлашиб, яъниким, она тилимдаги суҳбатни эшитиш, она тилимда сузлаш илқинида борган эдим. Аллоҳ-таолога минг қатла шўқлар бўлсинки, муродим ҳосил бўлди, мана, сиз билан суҳбатлашиб кетаямиз...

Олим ака бир оз тин олдилар. Мен ҳайлга берилдим.

Олим аканинг ҳолати, тилиб-тошиб сузлаши меннинг ҳам руҳим ва қалбимга яқин эди. Умуман эса, мусофир юртларда, олис улқаларда узoқ муддатли сафарларда бўлган кишилар учун ҳам бундай ҳолат қалбам ва руҳан таниш бўлса, ақаб эмас. Уз қилқоғимиз, ўз шаҳримизда она тилимизни соғиниб қолишни ҳатто ҳавлимизга ҳам келтирмаймиз-у, чегга чиқибқоқ унинг қадри ута бошлайди. Моддий ризқ одамига қанчалик керакли бўлса, руҳий ва қалбий озиқа ҳам шунчалик зарурдир. Бундай озиқанинг муайян қисми она тилидаги суҳбатни эшитиб туришдир. Бусиз маънавий турмуш кемткидир.

Олим ака сузлашда давом этдилар:

— Дарвоқе, Шоҳидохоним бутун бир гуруҳ талабаю толибларига етакчи бўлиб, Москва орқали Ленинградга ўтиб кетдилар. (Олим ака рафиқалари — Ўзбекистон халқ артисти, Тошкент Давлат Театр ва рассомлик институтининг профессори Шоҳид Маъмуров ва Назарда тутган эдилар). Мақсиди бўлишим шартлики муносабати билан у кишини кутиб олгани аэропортга чиқолмади. «Ленинград» вокзалида беш-ўн дақиқага дийдор қиришдик, холос. Онангиз менга сoзoрбoсти қилб ўз сайини ширмови нон олиб, илқини келтирдилар. Ҳозир «Москва» меҳмонхонасига — меннинг номеримга борамиз. Лунқа чойдан дамлаймиз, у бир нону ангуз қилмайсиз.

Мен ийиманиб, иқиланиб турганимиз, Олим ака менга рабгати кунайтириш учун бўлса керак, бундай дедилар:

— Ўзи ҳусайини ҳусайини, Олимпиди товланган, новотдай яптирайди. Гўжумлари тирсилляйди. Оғизга солсангиз, ҳар гўжуми чирсилласа керак. Тошкентнинг Қасанбой қишлоғида етилган ҳусайини тараф йўқ. Одатда ҳусайини бир марта совиқ егач, ишқомдан узилса, худди шундай қулинг ўргилсин бўлади. Бу ўринда «совуқ еган» иборасини «совуқ урган» иборасидан фарқлай билмоқ керак. Агар узум ҳаво ҳарорати уч-тўрт ёки бир-икки даража илқ бўлганда тоқда сақланса, бунга нисбатан «совуқ еган» ибораси қўллангилди, бунда узумнинг сифати ошади. Мабодо, ҳаророт нолдан қуйига тушиб кетсами, унда узумни совиқ уради, сифати пясайиб кетади, муздан тушганда, лиқко бўлиб қолади. Ҳа, узумни бир «совуқ едириб» олиш нозик иш. Шу боис ҳамма бoғбoнлар ҳам «совуқ едириб» олишга журъату таваққил қилбериладир.

Она тилимиз нақадар бойлигини Олим ака билан суҳбатда яна бир бор ҳис этдим. То бунга ҳам узумга нисбатан «совуқ еган» ибораси қўлланганини билардим, унинг моҳиятига етарли эътибор бермаган эканам. Олим акадан бунинг аниқ биллиб

— Ваалайқум ассалом, мулло йигит! — Олим аканинг бу сузлари худди саҳнадан айтаётгандек жаранглаб эшитилди. — Тинчликчи, омонликчи...

— Алҳамдिलлилоҳ, Оллоҳга шўқр...

— Қишлар нима бўляпти?

Мен қисқача ахборот бердимда, охирида Марказий телеграфга келишдан муродимни айтдим:

— Буйруқ ой бошида, яъни 1 ноябрда чиқар экан. То унчага меҳмонхонада яшаб туришимизга тўғри қолади. Шу мақсадда Тошкентта — Қори акага телефон қилмоқчи эдим.

— Муаммо шуми?

— Шу, холос.

— Ундай бўлса, муаммо ечилди, деб билверинг. Мен ўзим ВТО раиси Завадсийга телефон қилиб қўяман. Қани, кетдик, тезроқ бу диққанафас бинодан ташқарига чиқайлик.

— Олим ака, Сиз Тошкентга телефон қилмайсизми? — Олим ака ҳам худди мен каби Тошкент билан боғлиқини учун Марказий телеграфга келганлар деган ҳаёлда эдим.

— Бу ерга келишдан мақсидим муллога узгачадир, — Олим ака йул бошладилар, — юринг, йул усти сизга бу ҳақда ҳижоя қилиб бераман.

Марказий телеграф биносидан чиқиб, унқ улқ тарафга, Максими Горький кўчасининг сербар йулқаси бўйлаб Кремл томонига эса одимлай бошладик. Уша кун ҳавойи жаҳон очик эди. Ҳарорати сезилмасида, қуёш омонини фалақда чарақлаб турар, сезилар-сезилмас қуёш шамолли эсар эди. Октябр ойидаги Москва учун бундай ҳолат ахён-ахёндагина бўлади, шу боис кен йўлга йўловчилар оқими билан тирбанд эди.

Олим ака эста ҳижояларини бошладилар:

— Узлуksиз йигирма кундан бери Москвадаман. Мақсиди бoзoқ... Барибир, ҳилвоимиз мезбонлар қўлида-да. Ҳар кун эртдан кечгача бир хилдаги мажлисларда қатнашаверишдан туйиб кетдим. Мусофир шаҳарда эерқидим, Ватанини соғиндим. Ҳамма театрими соғиндим. Ҳамкасбларим, дуст-ёронларим, томошабинларим дийдорига зор бўлдим. Жону дилим, она тилим — ўзбек тилимни гоъта соғиндим. Балки мендаги бундай ҳолатни ифодалаш учун соғин деган сузнинг ўзи хамлик қилар. Мен она тилимга худди гулдoқлардек ичкилик қолдим. Агар билсангиз, ичкилик ҳам бемор-

олдим. Етук санъаткорнинг мушоҳада доираси ҳар томонлама кенг ва чуқур бўлади, нутқ маданияти қучли бўлиши билан бирга тил илми ҳам теран бўлади, деб беҳиж айтилмас экан.

Олим ака асли бухоролик эдилар. Лекин у кишининг нутқида (саҳна ва турмушда) шева унсурлари сира учрамасди, демак муболаға бўлмас керак. Олим ака соф адабий ўзбек тилида равои, ширали, гузал бир оҳангда, кутаринки бир руҳда, мусикий услубда сузлар эдилар. Бу — санъаткор умуммаданий савияси юксаклигининг нутқда эҳзури этиши, Ҳамма номидаги академик драма театрида режиссёр Маннон Уйғур Маждидов — Ога даврида тил маданиятига катта талаб қўйилганининг самараси, дейиш мумкин.

Олим Хужаев саҳнада Алишер Навоий сиймосида намoён бўлганида томошабинлар уни буюк шoir тирлиги келгандек ишониб қабул қилишлари, унинг монолоғларини жон қулоғи билан тинглашларининг боиси аслида шу эмасмикан.

Шуларни эслаганимизда ҳозирги кунда санъаткорларимизнинг нафақат уларнинг, балки қалам аҳлининг ҳам, тил борасида маданий ва маънавий қиёфалари анча қуйига кетаётганидан ташвишга тушмай илоҳимиз йўқ. Ҳар бир актёр қарда туғилган бўлса, саҳна, экран, радио ва телевизиорда, ўша жой шева-сиди бемoқоқ сузлашга одатлана бoқoқлар. Балки бу ҳол маълум даражада кенчаролидир, балки бу нарса маҳоратсизлик белгисидир. Бироқ, бутун бошли асаринг бирор вилoғт ёки туман шевасида яратилишини ва ижро этилишини ҳеч нима Ҳар бир актёр ва қаламқаш уз шева-сиди сузласа ва эвса, бундан адабий тил ютмайди, демакки, ягона миллат бирлиги туйғусига зийн этади, чуқи омма улардан ибрат олиб яшайди, уларга эргашади.

Турги, адабий асарни яратишда тарихий муҳит тақозоси билан характерли типиклаштириш мақсидида, шева унсурларидан ҳам бирор персонажнинг образини тўлиқ гавдалантириш учун уринли равишда фойдаланишга йул қўйилди. Бунга Абдулла Қодирийнинг «Уттан кунлар» румонидида Мусулмонкул образи тилини ёрқин мисол қилиб келтириш мумкин. У ўзбекининг илқоқ қабиласи шева-сиди сузлайди, бу нарса адисб учун яратётган образини бошқалардан тил борасида ҳам ажратиб қўрсатиш учун зарур. Бу ўринда шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лoзимки, йирик асарларимизда бoқ ҳақароматлар турли турли жанр шева-сиди эмас, балки умуммаданий тилда сузлашдилар, муаллифларнинг баёнлари, лирик чекинишлари ҳам соф адабий тилдадир. Зотан, адабий тил бутун миллат учун тушунарли алоқа воситасидир, миллат мафратли нуктаи назаридан шунинг асло унутиш мумкин эмас.

Бу борада ибрат олса арзийдиган, суянса аргизулиқ тажриба ва тил бойлигига эгамиз. Буюк маърифатчилардан самарқандлик Маҳмудхўжа Бeҳбудиий, тошкентлик Мунавварқори Абдурашидохонов ва Абдулла Авлонийлар адабий тилимизда маърифат зийнати таратанлар. Андижонлик Чўлпон, наманганлик Муҳаммадшайх Суғиқорда, бухоролик Фитрат ва Айниқўли, қўқонлик Усмон Носир, тошкентлик Абдулла Қодирий, Гафур Ғулом, Ойбеклар ҳамда уларнинг сабадошлари йигирманчи аср адабий тилимизни яққалан қилганлар.

Отабекнинг тошкентча, Қумушбўйининг марғилонча, Зебининг андижонча, Абдуфайзхоннинг бухорона сузлашларини эндиликда ҳатто тасаввур ҳам қилмаймиз. Мабодо, ўз шева-сидида гапашганлариди, улардан салoбат кетарди, бу асарлар миллатнинг умуммаънавий бойлиги бўлмоқсиди. Шунинг учун ҳам тил — миллатнинг асосий белгиларидан бири дейилади.

# ОҚ ЙЎЛ, «ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

## Боши биринчи бетда

фақат журнални чоп этувчи мутасаддилар, балки ундан баҳраманд бўлувчи мушаррийлар зиммасига ҳам узи-га хос масъулият юқлайди. Унда адабиёт намуналари ва тафаккур дурдоналари «Биринчи қўлдан» эълон қилиниши диққатга молик. Шунинг учун жаҳон миқёсидида сара асар ва маданиятга оид долзарб хабарларни ўз вақтида эфироти борсагина журнал ўз номини ҳам, муштарийлар ишончини ҳам оқлай олади. Тахририят ўзининг кириш сузида масаланинг шу жиҳатига алоҳида ургу берган.

Буюк шахслардан бири «20-аср тарихида асри бўлиб қолади», деб баъорат қилган экан. Дарҳақиқат, ўзбек халқи ҳам шу аср мобайнида озмуна жаҳоний тафаккур меваларидан баҳраманд бўлмади. Аммо бу баҳрамандлик муайян «изм»лар исқанжасидан чиқолмай қолган эди. Журналнинг дастлабки «Янги аср бусағасидидаги ўйлар» рункида Чингиз Айт-

матов ва Мухтор Шоҳановнинг чинакам ошқоралик руҳидаги суҳбати берилган. Унда мустақиллик билан боғлиқ ижтимоий муаммоларга турли нуқтаи назардан туриб баҳо бериши билан бирга бу муаммоларни қандай ҳал этиш йуллари ҳам тавсия этилади. «Қоғда қолган куз ёшлар» деб номланган ўшбу асарнинг дастлабки қисми, шўбҳасиз, журналхонларни ижтимоий ҳаватгагина эмас, ўзларининг шахсий ҳаётларига ҳам янги давр, янги фикр ва руҳ билан ёндошишга даъват этиши аниқ. Навбатдаги рунқ «Шеърят гулшани» деб номланган Гулшан — гуллар билан зебо. Халқ шоири Эркин Воҳидов уларнинг ҳали сиёҳи қуриммаган шеърини сатрлари — назм гуллари ила журнaлнинг мазкур рункига қаривонбошлик қилганлар. «XX аср романи» рункида Артур Хейлининг «Оқшом ҳаётлари» романининг дастлабки қисми эълон қилинган. Шундан сунг «Наср» рункида сеvimий өзувчимиз Пиримқул

Қодировнинг «Она лочин влдоси» мухтасар тарихий романининг биринчи қисми журналхонларга эътибор ҳавола этилади. Асар буюк муяжжим ва шoҳ Улуғбек Мирзо тақдир хусусида бўлиб, унда буюк аждoдларимиз ҳақида бизларга номаълум айрим жиҳатлар бадиий восталар ила марoқли тасвирланади. «Жаҳон адабиети» журналининг «Мангуликка даҳлдор», «Фалсафа, Маданият, Санъат, Иқтисодиёт», «Китоблар оламида» ва «Солнома» рунқларида жой олган мақола ва тақрирлар мазмун ва гоъ жиҳатидан раинг-баранглиги, уларда кутарилган масалаларнинг долзарблиги билан таҳсинга сазовор десак янгилишимиз. Энг асосийси, барча муаллиф билан мунаққиллар қай мавзуда қалам сурмасинлар, масалга айнан ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашганлари аниқ сезилиб туради.

Ўзбек ва жаҳон адабиётининг билимдонни, қалами ўткир мунаққид Озод Шарофид-

динов журнал тахрир хайъатига сардорлик қилмоқда. Айни пайтгача журналнинг қатор сонлари нашрга тайёр қилиб қўйилган. Олдинда айтишга шoшилмаймиз-у, аммо Озод Шарофиддиновнинг шахсий талабчанлигини журналнинг ўшбу илк сонида-дақ сезиш қийин эмас. Мундарижа тўзиб, асарларни жам қилиш бир гап, уни замонавий талаблар асосида қурим-ли ва бехато чоп этиш бир гап — демак, тахририят ҳодимлари олдида икки баравар масъулият ётади. Республикада матбуот ва нашриятларидида суяғи қотган мутахассисларни «Жаҳон адабиети» журналага жалб этишни Бош муҳаррир ўзининг биринчи галдаги вазифаси қилиб қўйган. Адабиётни чин дилдан севган, доимий ижод билан машғул бўлган, маънавий қадриятларни қадрлай оладиган ва ниҳоят бир ўндан ортиқ чет тилини биладиган мутахассислар бугунги кунда журнал тахририятида ҳалол тер тўқмоқларди. Уйлаймики, «Жаҳон адабиети» жуда тез вақтлар ичиди ўз уқувларини меҳрини қозониб, уларнинг дардига ҳамдард, қувончига шерик бўлажак. Янги нашр муборак бўлсин, азиз дустлар!

«ЎзА»чилар

# МЕНИНГ ОҒРИҚЛАРИМ

## ОНАЛАР ЙИҒНАМАСИН

Ушанда мен 14 ёшда эдим. Бир кун акамга чакирув қoғoзи келди. Онам уни бирма-бир ўқиб бўлгач, вунжудини титроқ бoсди, уринларидан туролмай, анча вақтгача уйланиб қолдилар. Акам эса онамга жимгина тикилиб, нима дейишларини кутиб турарди. Бир оздан сунг онам: — Мақсуд, тоғанига бoриб айт, тезда етиб келсин, — дедилар. Мақсуд акам уйдан чиқиб кетди. Аммо мен онамнинг бунчалар ташвиш чекяётганлигига сиёра тўшунмасдим. Ахир, бу эр йигитнинг масъул иши бўлса, ҳамманинг угли хизмат қилди-ку, деб ўйлардим. Куп вақт ўтмай, Мақсуд акам тоғам билан бирга кўриб келди. Бу фурсатда воқеадан хабар толган қушилар йигилганидан, дадам ҳам ишдан келгандилар. Менинг эшитганларим: Афғонистонда даҳшатли уруш кетаётган эмиш, у ерга юборилганлар мажруҳ бўлиб ёки тобутда қайтаётган эмиш, хуллас, тоғамнинг танишлари бор эмиш ва шунга ўхшаш гаплар эди. Онамнинг чеккан ташвишларини тоғамнинг елиб-югуртишлари зоғ кетмади. Мақсуд акам хизматдан вақтинча озод этилиб, уйда қолдирилди. Ушанда биринчи марта акамга бўлган меҳрини исён кутарган, онамдан ҳам ҳафа бўлгандим. Негаки мен (уруш кетса ҳам) ҳар бир йигитни Ватан учун ҳисоб қилишга бурчли деб хисоблардим.

Орадан анча йиллар ўтди. Бир кун мен бир муштилар она ҳақида эзилган мақола-ни қуриб қолдим, бунинг кузёшисиз ўқиб бўлмасди. Онанинг яққо ягона углини Афғонистонга жунатмоқчи бўлишганди, бундан хабар толган онанинг йиғлаб, нолаю илтижо қилиб бoғмаган жойларга турт мучадари соғ, эсон-омон қайтишди. Идоят хола угилларини қуриб бир йилар, бир кулар эди.

Абдухалил Афғонистонда хизматни утаб келганидан сунг, бир йил вақт ўтиб, укаси Абдужабборнинг ҳам қайтиши билан икки ака-уканинг туйларини ҳам бирга утказган эдилар. Каттаю кичик ҳавас қилишарди. Акам орадан бир йил вақт ҳам утмай, кунлардан бир кун Абдужабборнинг юраги урушдан тўхтаб қолди. ...Юрагини олдириб қўйган экан, лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган. Идоят хола фарёд солди: уйнаб-йирамаган жон болам-ей! Дардинги билонмадим болам, болам-ей!

Бу Афғонистон урушининг ақсу садоси эди!

— Бундай ноҳуш воқеаларни қўлаб учратишимиз мумкин, — дейди Республика Тиббий Ижтимоий Реабилитация Марказининг раҳбари Бахтиёр ака Маҳаммадалиев. Унинг ўзи ҳам 1979-1980 йиллари Афғонистонда хизмат қилиб қайтган экан.

— Бахтиёр ака, айтингчи, Марказ қачон ташкил толган ва қандай ишларни амалга оширади?

— Тиббий Ижтимоий Реабилитация Маркази Марказий Осиёдаги ягона Марказ бўлиб, 1990 йилда ташкил толган. Бу Марказ Афғонис-

## Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам

Колар бўлсам ахир бир кун тилдан ҳам Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у.

## САПОМ БАҲОДИРЛАР

Урушлар ҳеч қачон фожирларсиз, йўқотишларсиз бўлмаган. Афғонистон уруши туйфайли 13 мингдан ортиқ шуро жангчилари шаҳид кетдилар, 1000 дан ортиқ ас-

## Нақд гап

карлар бедарак йўқолган, минглаб йигитларимиз мажруҳ бўлиб қайтишди — қўлсиз, оёқсиз, айримлари эса умрбод тушаққа миҳлиниб қолдилар. Уша пайтинг узидек ҳукматимиз томонидан барча шароитлар яратилиб, «афғончи» йигитлар уй-жойлар ва нафақалар билан таъминланишди. Аммо, беш бармоқ баробар бўлмаганидек, айрим жойлар узига яраша камчиликлардан ҳам холи эмас эди. «Афғончи» йигитлар ҳам урушдан кейинги янги ҳаётга бошқача, яъни адолат қўзи билан қарайдиган бўлишди, бу ҳаётга қуниқиб кетишлари ҳам осон кечавермади.

Мен Идоят холаи танир эдим, унинг иккала угли ҳам Афғонистон чулларини явв кезишди, курашларда машаққатлар чекиб, ажал билан олишиб, онанинг бағрига турт мучадари соғ, эсон-омон қайтишди. Идоят хола угилларини қуриб бир йилар, бир кулар эди.

Абдухалил Афғонистонда хизматни утаб келганидан сунг, бир йил вақт ўтиб, укаси Абдужабборнинг ҳам қайтиши билан икки ака-уканинг туйларини ҳам бирга утказган эдилар. Каттаю кичик ҳавас қилишарди. Акам орадан бир йил вақт ҳам утмай, кунлардан бир кун Абдужабборнинг юраги урушдан тўхтаб қолди. ...Юрагини олдириб қўйган экан, лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган. Идоят хола фарёд солди: уйнаб-йирамаган жон болам-ей! Дардинги билонмадим болам, болам-ей!

Бу Афғонистон урушининг ақсу садоси эди!

— Бундай ноҳуш воқеаларни қўлаб учратишимиз мумкин, — дейди Республика Тиббий Ижтимоий Реабилитация Марказининг раҳбари Бахтиёр ака Маҳаммадалиев. Унинг ўзи ҳам 1979-1980 йиллари Афғонистонда хизмат қилиб қайтган экан.

— Бахтиёр ака, айтингчи, Марказ қачон ташкил толган ва қандай ишларни амалга оширади?

— Тиббий Ижтимоий Реабилитация Маркази Марказий Осиёдаги ягона Марказ бўлиб, 1990 йилда ташкил толган. Бу Марказ Афғонис-

## Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам

Колар бўлсам ахир бир кун тилдан ҳам Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у.

## САПОМ БАҲОДИРЛАР

Урушлар ҳеч қачон фожирларсиз, йўқотишларсиз бўлмаган. Афғонистон уруши туйфайли 13 мингдан ортиқ шуро жангчилари шаҳид кетдилар, 1000 дан ортиқ ас-

## Нақд гап

карлар бедарак йўқолган, минглаб йигитларимиз мажруҳ бўлиб қайтишди — қўлсиз, оёқсиз, айримлари эса умрбод тушаққа миҳлиниб қолдилар. Уша пайтинг узидек ҳукматимиз томонидан барча шароитлар яратилиб, «афғончи» йигитлар уй-жойлар ва нафақалар билан таъминланишди. Аммо, беш бармоқ баробар бўлмаганидек, айрим жойлар узига яра

ЧҮЛПОН ШАЖАРАСИ

Ҳар бир мусулмон фарзанди узининг етти пушти-ни билиши ва уларнинг ру-ҳини ҳурматлаши вожиб ру-налади. Етти ешдан етмиш ёшгача баргача баробар саналган бу исломий талаб-ни улуг шoirимиз Абдулхамид Сулаймон угли Чулпон ҳам яхши билган ва уз қав-ми тарихини билиш билан-гина чекланмай, уларни доимо ёдда тутишликни уз сингилларига тайинлаган экан.

Шoirнинг синглиси Фойка аянинг хотирлаши-ча, уларнинг шажараси қуйидаги силсилдан иборат бўлган. Чулпоннинг ота-си Мулла Сулаймонкул базоз, унинг отаси Муҳаммад Юнус, унинг отаси Абдура-сул бузчи, унинг отаси Ду-стмат суфи, унинг отаси Ражаб суфи, унинг отаси Эрка суфи бўлган эканлар. Силсилладаги исмларнинг номлишидан сезиларлики, Чулпоннинг аجدодлари ҳам асосан зийли ва давлатма-нд кишилар бўлишган. Бу силсилани яшаш урни ас-ли Андижонда бўлиб, сул-тра Абдурасул бузчи Уш яқинидаги Ёркишлоққа кў-чирилган. Унинг угли Юнус ота шу ерда туғилган ва тахминан ун яшарлик чоғларида она юрти Анди-жонга қайтган. Қайтши во-қеаси қуйидагича нақл қи-линади: Абдурасул бузчи ва унинг oilаси Курбон бибининг Муҳаммад Юнус, Му-ҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Розик, Саодат биби синга-ри турт фарзанди бўлган. Бешинчи фарзанд Ҳамроҳ-биби туғилишида унинг оналари вафот қилган, мар-ҳуманинг акаси Мулла Хол-мат Охунд бу воқеани эши-тиб, Андижондан Ёркишло-ққа келган. Норасида гу-дакни ётқизилган жойи — охурдан олиб, шаҳарга эл-моқчи булади. Йулда Ша-ҳрихоний буйида сувга чи-ққан аёлдан бу атрофда эмизлик она бор-йўклиги-ни сурайди. Гудакнинг йи-гисини эшитган она узини-г эмизлик эканини аёнла-тган, унинг «эга»сидан су-раб гудакни қондиради. Уша аёл ва унинг фарза-ндига белги қилишиб, энди улар ака-сингил бўлдилар, кейинчалик топишар, деган ният қилиб ажралишган.

Абдурасул бузчи бошқа аёлга уйланиб (асл исми номаълум, фарзандлар уни «Сариқ эна» деб аташган), ундан Муҳаммад Сиддик, Абдукаримбой, Муслимабо-ну исмли фарзанд курган-лар. Холмат Охунд сингли-сининг бошқа фарзандлари қатори Муҳаммад Юнусни ҳам Андижонда олиб кетиб, уз тарбиясига олган. Му-ҳаммад Юнус тоғаси Хол-мат Охунднинг Қатортерак кўчасидаги ҳовлисида

яшаб, унинг боғида меҳнат қилиб кун курган. Холмат Охунд Муҳаммад Юнусга акаси Исомиддиннинг на-налади. Етти ешдан етмиш ёшгача баргача баробар саналган бу исломий талаб-ни улуг шoirимиз Абдулхамид Сулаймон угли Чулпон ҳам яхши билган ва уз қав-ми тарихини билиш билан-гина чекланмай, уларни доимо ёдда тутишликни уз сингилларига тайинлаган экан.

Ҳамроҳбиби вояга еткан, уни Мавлонбой (асли Тош-кентнинг Чигатойидан бўл-ган, Худойёрхонга қарши исёнда қатнашгани учун ба-дарга қилинган) ва Мо-ҳрабонунинг угли Аҳро-рхожга турмушга бериш-ган. Орада Аҳро-р хожи ҳам дунёдан утиб (ундан Халима исмли бир фарза-нд қолган), яхши келини қулдан чиқаришни истама-ган ота-она уни йигит у-гли Қипчоқбойга никоҳлаб берганлар. Қипчоқбой ва Ҳамроҳбидан Биби Со-бира, Биби Ойша, Биби Сожида исмли қизлар ту-ғилган, лекин угли турма-нд кишилар бўлишган. Би-би Сожида исмли қизлар ту-ғилган, лекин угли турма-нд кишилар бўлишган. Би-би Сожида исмли қизлар ту-ғилган, лекин угли турма-нд кишилар бўлишган. Би-би Сожида исмли қизлар ту-ғилган, лекин угли турма-нд кишилар бўлишган.

Мулла Сулаймонкул угли Абдулхамид учун Қўқонқи-лоқ (Пахтаобод тумани)да дукон очган, бироқ шoir Чулпон савдога рағбат қи-лмагани учун бу шайх Су-лаймонкул базознинг узи қиришган. Дукон баҳонаси билан тез-тез Қўқонқишо-ққа бориб турган. Бундан хабар топган маҳаллий шoir ва зийлилар у киши-нинг сўхбатларида баҳра-манд бўлиш ниятида уз давраларига қорлаган экан-лар. Ҳабибий, Маҳжурий жоннинг Қатортеракда узи яратган боғда богдорчилик ва базозчилик (узи етиш-тирган махсулотлар буйича дукондорлик) билан маш-ғул бўлган. Уз меҳнати бил-лан тирикчилик унглаб олган, эл олгига тушган, эътиборли ва давлатманд кишилардан бири бўлиб етишган. Муҳаммад Юнус Тожибидан Солиҳабону, Сулаймонкул, Абдурахмон Ориф, Муҳаммад Усмон, Муҳаммад Айюб, Омонби-би ва Ойимбонун исмлари билан беш фарзанд курган. Юнус ота жамики туқ-қиз фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. У Андижон зилзиласи (1902) пайтида йиқилиб, оқсоқ бўлиб қол-ган. Унинг oilаси ҳам зил-зила пайтида вафот қилган эканлар. Муҳаммад Юнус ота 1905 йили вафот эт-ган.

Чулпоннинг отаси Мулла Сулаймонкул базоз Андижоннинг маърифатли ва эътиқодли давлатманд кишиларидан саналган. Аср бошларида утган Миркомилбой, Аҳ-мадбек хожи, Қипчоқбой каби нуфузли кишилар қаторида бўлган. Базозликдан ташқари илм ва маърифат, шайрият билан

Ҳамидулла БОЛТАБОВ

